



# Аммиакли селитра ишлаб чиқариш цеҳи

// 22.04.2026


<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ammiakli-selitra-ishlab-chiqarish-cehi>



Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ номи - бирламчи қувватда модернизация қилинган катта тоннали АС-72М агрегатида доналаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқариши. 1987-йилдан бошлаб ишлаб чиқариш қуввати - йилига 450 минг тонна аммиакли селитра (йилига 155,7 минг тонна озуклантирувчи моддалар) ишлаб чиқаради. Москва шаҳрининг азот саноатининг давлат институти АСДИ (ГИАП) ушбу ишлаб чиқаришнинг бош лойиҳалаштирувчиси ҳисобланади.



- 2006-йили азот- фосфорли ўғитини олиш аралаштириш ускунаси ишга туширилган.
- 2007-йили аммиакли селитра ва карбамид сувли эритмалари аралашмасида суюқ азотли ўғитни олиш ускунаси ишга туширилган.
- 2008-йили Ўзбекистонда биринчи бўлиб тайёр маҳсулотни катта 500 кг ва 1000 кг «БИГ-БЕГ»га қопларш ускунаси ишга туширилди.
- 2011-йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб паст зичликдаги аммоний нитрат ишлаб чиқариш бўлинмаси ишга туширилган. Паст зичликдаги аммоний нитрат (фовакли селитра) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 90% экспортга ва 10% давлатимизнинг ички бозорига мулжалланган. Ишлаб чиқариш қуввати - йилига 60 минг тонна.
- 2013-йили универсал озуқа эритмаларини тайёрлаш ускунаси ишга туширилган.
- 2014-йили донатор азот-олтингугуртли ўғитини олиш ускунаси ишга туширилган.
- 2021-йили аммиакли селитра доналарини ёпишишга қарши воситаси билан қоплаш учун ёпишишга қарши воситани тайёрлаш ускунаси ишга туширилган.





"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати